

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АШУРОВА УМИДА АЛИШЕРОВНА

**ГЕСТАЦИОН ГИПЕРТЕНЗИЯДА ҲОМИЛАДОРЛИКНИ ОЛИБ
БОРИШ ВА УНИНГ КЛИНИК-ГЕНЕТИК РИВОЖЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ашурова Умида Алишеровна

Гестацион гипертензияда ҳомиладорликни олиб
бориш ва унинг клиник-генетик ривожланиш хусусиятлари 3

Ашурова Умида Алишеровна

Клинико-генетические особенности развития и ведения
беременных с гестационной гипертензией 21

Ashurova Umida Alisherovna

Clinical and genetic features of development and management
pregnants with gestational hypertension..... 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АШУРОВА УМИДА АЛИШЕРОВНА

**ГЕСТАЦИОН ГИПЕРТЕНЗИЯДА ҲОМИЛАДОРЛИКНИ ОЛИБ
БОРИШ ВА УНИНГ КЛИНИК-ГЕНЕТИК РИВОЖЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib385 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нажмутдинова Дилбар Камариддиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гелдиева Маргарита Собировна
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малака ошириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н.Хайтов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг барчасида хомиладорлик асоратлари, жумладан гипертензив бузилишлар тобора ортиб бормоқда. Касаллик оғир кечиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, «...репродуктив саломатлик муаммоси бутун дунёдаги олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Аёллар ўлими тизимида 2-3-ўринни эгалловчи гестацион гипертензия ва у билан боғлиқ асоратлар ташкил қилмоқда».¹ Хомиладорликда келиб чиқадиган гестацион гипертензия гўдаклар ўлимига ҳам сабаб бўлмоқда, яъни «...хомиладорларда 12-18% дан 20-25% гача ҳолатларда перинатал ўлимнинг сабаби гестацион гипертензия билан боғлиқдир».² Хомиладорликдаги гипертензив бузилишларда аёллар ўлимининг юқорилиги ўз навбатида, унинг хавфини прогнозловчи биомаркерларни аниқлаш ва олиб бориш алгоритмларни ишлаб чиқишни тақазо этмоқда.

Жаҳон миқёсида хомиладорлик вақтида юзага келадиган асоратлар, жумладан гипертензив бузилишларнинг ривожланиш хавфи, уни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада гестацион гипертензия келиб чиқиши ва ривожланиш хавфининг турли популяцияларда молекуляр-генетик омилларини аниқлаш, унинг аҳамиятли генотиплари ва номзод генлар аллел вариантларининг фенотипик кўринишлари билан ассоциациясини аниқлаш, касалликни олиб боришни алгоритмларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Гипертензив бузилишлар ривожланиш хавфини эрта ташхислаш, молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида хавф генларининг аллел ва генотипик вариантларини аниқлаш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, айниқса, репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»³ вазифалари белгиланган. Бу борада жумладан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, репродуктив ёшдаги аёлларда гестацион гипертензия ривожланиш

¹ World health statistics 2017: monitoring health for the SDGs? Sustainable Development Goals;

² Шахбазова Н.А. Исходы беременности при гипертензивных расстройствах, вызванных гестационным процессом// Акушерство и гинекология. - Москва, 2015. - №2. - С.20-26.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

хавфини генетик ташхислаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кенгайтириш тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Предиктив тиббиётнинг асосий вазифаси ҳомиладорларда касаллик геномининг индивидуал ўзига хослигига боғлиқ ҳолда прогнозлаш саналиб, бу муаммонинг долзарблиги ва ушбу йўналишда аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар олиб бориш заруриятини белгилайди. Хориж муаллифларининг кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мазкур паталогиянинг айна шу жиҳатларига бағишланган (Perry H. et al. 2018). PubMed маълумотларига кўра, бугунги кунда преэклампсиянинг ривожланишида 50 та номзод генлар аниқланган бўлиб, улардан фақат 8 таси тадқиқотларнинг 70 фоизида қайд этилади - булар метилентетрагидрофолат-редуктаза гени (MTHFR), ангиотензиноген (AGTR1 ва AGTR2), ферментга айланувчи ангиотензин (ACE), NO-синтаза гени (eNOS), альдостерон-синтаза (CYP11B2), Лейден Фактор 5 (F5), протромбин (F2) ва бошқалар (Bogacz A., Bartkowiak-Wieczordz J., Procyk D., et al. 2016). Метилентетрагидрофолат-редуктаза гени полиморфизми анча кўп ўрганилган. Метилентетрагидро-фолатредуктаза генининг икки тури - C677T мутацияси сифатида таърифланган. Мазкур мутация бўйича гомозигот ўзгариши бўлган шахсларда MTHFR термолабиллиги ҳамда фермент фаоллиги ўртача кўрсаткичдан 35 фоизгача пасайиши кузатилади (Zhou L. et al. 2016). Бундай мутация қондаги гомоцистеин миқдорининг ошиши билан бирга кечиб, у ҳомиладорларда преэклампсия ривожланиш хавфи бўлиб ҳисобланади. MTHFR-C677T мутациясининг бошқа бир муҳим жиҳати - фолат етишмовчилиги анемиясининг юзага келиши бўлиб, у гипоксияни ва диссеминирланган қон томир ички қон ивиши жараёнини кўшимча равишда янада оғирлаштиради ҳамда шу орқали микроциркулятор бузилишлар кучайиши ва преэклампсиянинг зўрайишига олиб келади (Karthikeyan V.J. et al. 2013). Преэклампсия ривожланишида ангиотензиногеннинг (AGT) генотиpleri: метионин M235 ва треонин T235 катта аҳамият касб этиши мумкин (Chen H.M. et al. 2019). Преэклампсияда T235 кодли гомозиготлар нисбатан кўп учрайди.

Мутация ангиотензиногеннинг ренин ҳамда ангиотензинга айланувчи фермент (АСЕ) билан ўзаро таъсирини сезиларли равишда ўзгартиради, бу эса мутация ташувчилар — ҳомиладорларда преэклампсия ривожланишига олиб келиши мумкин (Sun Y., Liao Y., Yuan Y. et al. 2014).

Ангиотензинга айланувчи фермент (АСЕ) ҳамда ангиотензиноген (АГТ) генлари полиморфизми ҳомиладорлик бўлмаган вақтда сурункали артериал гипертензия (САГ) частотаси ва кечиши билан кучсиз боғлиқ, бироқ ҳомиладорларда гипертензия риқожланишининг хавф омили бўлиши мумкин (Timokhina E.V., Strizhakov A.N. et al. 2019).

Гестацион гипертензия ривожланишига мойил бўлган номзод генларнинг аниқлаш, шунингдек, мазкур ушбу оғир патологиянинг хавф гуруҳини аниқлаш ва самарали профилактика қилиш имконини ҳам беради. Шу муносабат билан аёллар ҳомиладорлиги асоратлари келиб чиқишини олдини олиш, гестацион гипертензия ривожланишининг фено-генотипик кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаш илмий ва амалий жиҳатидан долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот массаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган акушерлик-гинекология илмий-амалий маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.2.1. «Ҳомиладорлик даврида гипертензив бузилишлар прогнози ва профилактикаси усулларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гестацион гипертензияда ҳомиладорликни олиб бориш ва унинг клиник-генетик ривожланиш хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладорлик даврида гипертензив бузилишлар ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш ҳамда прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

ўзбек этник гуруҳига мансуб ҳомиладорларда гипертензив бузилишларга хос бўлган номзод генлар полиморфизмини молекуляр-генетик таҳлиллаш;

гестацион гипертензияли ҳомиладорларда асоратлар ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш;

гестацион гипертензияли ҳомиладорликни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган акушерлик-гинекология илмий-амалий маркази назоратида бўлган 201 нафар гипертензив бузилишлари бўлган бемор ва 110 нафар соғлом ҳомиладор аёллар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва қон зардоби биокимёвий ва молекуляр генетик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал, биокимёвий, молекуляр генетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек миллатига мансуб ҳомиладор аёлларда гестацион гипертензия, преэклампсия ва сурункали артериал гипертензия ривожланишида иштирок этувчи (CYP11B2, AGT) генларининг аллел вариантлари ва генотиплари билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор гестацион гипертензия ва сурункали артериал гипертензия ривожланиши альдостерон синтаза генининг (CYP11B2-344C>T) полиморфизми аллеллари (T) ва генотиплари (T/T ва C/T) билан боғлиқлиги исботланган;

альдостерон синтаза CYP11B2 гени 344C>T полиморфизмининг гомозигот C/C генотиби гестацион гипертензия ва сурункали артериал гипертензияда протективлик намоён қилиши аниқланган;

илк бор AGT гени T704C (Met235Thr) полиморфизми (T/T генотиби) учун нисбий хавф кўрсаткичи (OR) гестацион гипертензияда преэклампсияга нисбатан ортиши (ГТ) касаллик ривожланишининг сабаби эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёлларда гестацион гипертензия, преэклампсия ва сурункали артериал гипертензия ривожланишини прогнозлаш учун хавф генларининг аллел ва генотипик вариантлари аниқланган;

гестацион гипертензия ривожланишининг генетик механизмлари билан касалликнинг ҳомиладорлик даври, туғруқ жараёни ҳамда туғруқдан кейинги давр клиник кечиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган;

гестацион гипертензияли ҳомиладорликни прогнозлаш ва олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гестацион гипертензия ривожланишида иштирок этувчи генотипларнинг миллатга хос комбинацияларини аниқлаш чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Ўзбек популяциясида гестацион гипертензия ривожланишида иштирок этувчи CYP11B2, AGT хавф генлари полиморфизмларининг аллел вариантлари ва генотиплари учраши даражаси, уларнинг миллатга хос комбинацияларининг аниқланиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек популяциясида гестацион гипертензия ривожланишини амалга оширувчи аҳамиятли генотипларнинг касалликнинг ҳомиладорлик даври, туғруқ жараёни ҳамда туғруқдан кейинги давр клиник кечиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини аниқланиши, гестацион гипертензияли ҳомиладорликни олиб бориш алгоритми

ишлаб чиқилганлиги ва тадбиқ этилганлиги касалликнинг ривожланишини олдини олиш, даволаш самарасини ошириш ҳамда аёлларни хомиладорлик даврида эрта соғломлаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гестацион гипертензияда хомиладорликни олиб бориш ва унинг клиник-генетик ривожланиш хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Гестацион артериал гипертензия ривожланиш хавфини аниқлаш усуллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 8н-д/320-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома хомиладорларда гестацион гипертензияни ривожланиш хавфи ва оғирлик даражасини эрта аниқлаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

Хомиладорларда гестацион гипертензия ривожланиш хавфи ва унинг клиник-генетик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари перинатал марказлари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 февралдаги 8н-з/20-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар хомиладорлик даврида гипертензив ўзгаришларни олдини олиш, касаллик асоратларини камайтириш ҳисобига оналар ўлими кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда уларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш билан тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Хомиладорлик даврида гипертензив ҳолатларни прогнозлаш ҳамда уларнинг диагностикасида генетика эришган ютуқлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида хомиладорлик даврида

гипертензив бузилишлар ривожланишининг этиопатогенетик жиҳатларига тегишли баҳсли масалаларини акс эттирувчи илмий манбалардаги маълумотлар келтирилган. Ҳомиладорликда гипертензив бузилишларнинг молекуляр-генетик ўзига хосликларига алоҳида эътибор қаратилган. Алоҳида кичик бобда бир қатор муаллифларнинг гестацион жараён билан чақирилган гипертензив бузилишларга таъсир этувчи генлар тўғрисидаги, шунингдек, гипертензив бузилишлар билан асоратланган ҳомиладорларни олиб боришга табақалаштирилган ёндашушлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорларда клиник, инструментал ва тиббий-генетик тадқиқотларни ўтказишга методологик ёндашув**» деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усулларининг тавсифи келтирилган. Тадқиқотга асосий гуруҳни ташкил этувчи 201 нафар гипертензив бузилиши мавжуд бўлган бемор жалб этилиб, улар 3 та кичик гуруҳга бўлинди: А кичик гуруҳини — 41 нафар сурункали артериал гипертензияси (САГ) бўлган ҳомиладор, Б кичик гуруҳини — 110 нафар асоратланмаган гестацион гипертензияси бўлган ҳомиладор (ГГ), В кичик гуруҳини — 50 нафар гестацион гипертензия асорати натижасида оғир преэклампсия (ПЭ) ривожланган ҳомиладор ташкил этди. Назорат гуруҳини репродуктив ёшдаги, анамнезида сурункали касалликлар бўлмаган ва акушерлик патологияси намоён бўлмаган 110 нафар соғлом аёл ташкил этди. Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган акушерлик-гинекология илмий-амалий маркази базасида олиб борилди.

Гипертензив бузилишлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилдаги турли акушерлик ҳолатларида ҳомиладорларни олиб бориш миллий стандарти мезонларига мувофиқ ташхисланди.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти ҳамда Иммунология ва инсон геномикаси институтининг молекуляр тиббиёт ва ҳужайрали технологиялар бўлимлари базасида олиб борилди. CYP11B2 гени 344C>T ва AGT 704 полиморфизмининг молекуляр-генетик детекцияси учун материал сифатида геном ДНК препарати қўлланилди. Полиморфизм детекцияси «Applied Biosystems» 2720 (АҚШ) ва Rotor-Gene 6000 (Corbett Research, Австралия) ускуналарида «Литех» МЧЖ (Москва) компанияси тўпламларини ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига мувофиқ қўллаш орқали ўтказилди.

Олинган натижалар «Excel» амалий дастурлар пакети ёрдамида статистик жиҳатдан ишланди. Гуруҳларга ажратишнинг тўғрилиги аввалдан баҳолангандан кейин параметрик вариантларни қиёслаш хатолар эҳтимолини (p) ҳисобга олган ҳолда Стьюдент (t) мезони асосида ўтказилди.

Диссертациянинг «**Гестацион гипертензияси бўлган ҳомиладорларда ҳомиладорлик ва туғруқ даври кечишининг клиник хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида гестацион гипертензияси бўлган ҳомиладорлар (201 нафар) ҳамда гипертензив бузилишлари бўлмаган (110 нафар) ҳомиладорларда ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги давр кечишининг клиник-патогенетик ўзига хослиги келтирилган, барча текширилганлар 2 гуруҳга ажратилган. Асосий гуруҳни гипертензив бузилишлар билан бўлган 201 нафар

ҳомиладор (32,18±6,19 ёш; 35,95±4,09 ҳафталик) ташкил этган. Уларда САБ ўртача симоб устунининг 140,37±12,24 мм.ини ташкил этиб, назорат гуруҳидаги ҳомиладорлардан статистик жиҳатдан ишончли равишда (симоб устунининг 131,70±12,52 мм.и) фарқ қилди ($p < 0,05$), ДАБ эса ўртача симоб устунининг 92,20±10,03 мм.ини ташкил этди (назорат гуруҳидаги кўрсаткич симоб устунининг 84,78±9,58 мм.и, $p < 0,05$). Назорат гуруҳига аёллар маслаҳатхонаси ва акушерлик стационарига текширувга ва туғиш учун келган 110 нафар (31,67±5,12 ёш, 35,96±4,82 ҳафталик) сурункали соматик йўлдош патологияси бўлмаган аёллар киритилди. Гестацион гипертензия бўйича ирсий анамнез асосий гуруҳдаги 61,7 фоиз (124/201), назорат гуруҳидаги 56,4 фоиз (62/110) аёлда аниқланди, қандли диабет бўйича оилавий анамнез асосий гуруҳнинг 15,4 фоиз (15/201), назорат гуруҳининг эса 14,5 фоиз (16/110) аёллари учун характерли бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилган ҳомиладорлардаги сурункали касалликлар

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=201)	Назорат гуруҳи (n=110)	Ишончилилик
АГ бўйича ирсий анамнез, %	124 (61,7%)	6 (5,4%)	$X^2 = 0,70, p > 0,05$
ҚД бўйича ирсий анамнез, %	15 (15,4%)	6 (5,4%)	$X^2 = 0,02, p > 0,05$
Оёқ веналарининг варикоз кенгайиши, %	20 (10%)	6 (5,4%)	$X^2 = 1,49, p > 0,05$
Семизлик, %, бундан:	84 (41,8%)	44 (40,0%)	$X^2 = 0,1, p > 0,05$
Қалқонсимон безнинг касалликлари, %	44 (21,9%)	19 (17,3%)	$X^2 = 0,88, p > 0,05$
Камқонлик, %, бундан:	41 (20,4%)	17 (15,5%)	$X^2 = 0,82, p > 0,05$

Шундан кейин гестацион гипертензия ривожланишининг мустақил предикторларини аниқлаш учун босқичма-босқич танлаш орқали логистик регрессион таҳлил ўтказилди (2-жадвал). Тадқиқ этилаётган омилларнинг комплекс таъсири натижасида гестацион гипертензия ривожланишининг меъёрий интеграллашган кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, мазкур ҳомиладорда хавф эҳтимоли шунча юқори бўлиб, салбий гуруҳга киритиш учун асос кўпроқ бўлди (3-жадвал). Шундай қилиб, индивидуал прогнозлаш ҳомиладорларда гестацион гипертензияни олдиндан аниқлаш ва даволаш-профилактик ва реабилитация тадбирларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Гестацион артериал гипертензия ривожланишининг *юқори хавфида* ҳомиладорликнинг юқори хавф асорати бўлган беморларга кузатув, диагностика ва даволашнинг клиник протоколига мувофиқ амбулатор шароитда даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилади.

Гестацион артериал гипертензия ривожланишининг *паст хавфида* физиологик ҳомиладорликда беморларга кузатув, диагностика ва даволашнинг клиник протоколига мувофиқ амбулатор шароитда кузатув-назорат тадбирлари ўтказилади.

Гестацион гипертензия ривожланиш хавфини прогноз қилиш ҳам беморлар, ҳам давлат учун сезиларли даражада маблағ иқтисод қилишга имкон яратади.

2-жадвал

Ҳомиладорларда гестацион гипертензия ривожланиш хавфини комплекс баҳолашнинг прогностик матрицаси

Хавф омиллари	Омиллар градацияси	Меъёрий интеграллашган кўрсаткич	RR	X, интеграллашган кўрсаткич
Ёши 30 дан юқори	бор	2,6	4,24	11,10
	йўқ	0,6		2,62
Биринчи ҳомиладорлик	бор	2,5	3,54	8,85
	йўқ	0,7		2,50
Тана оғирлиги индекси 24,9 дан юқори	бор	4,2	4,96	20,81
	йўқ	0,8		4,20
1 трим. 3 кг дан ортиқ вазн қўшилиши	бор	5,5	11,20	62,13
	йўқ	0,5		5,55
АГ бўйича оғирлашган ирсий ўтиш	бор	3,5	4,35	15,2
	йўқ	0,8		3,5
Кўп ҳомидалик	бор	6,0	6,61	39,67
	йўқ	0,9		6,00
Сурункали соматик касалликлар	бор	3,8	18,31	70,21
	йўқ	0,2		3,83
Стресс, жисмоний зўриқиш	бор	3,1	3,92	12,16
	йўқ	0,8		3,10
Қандли диабет	бор	15,0	17,21	258,16
	йўқ	0,9		15,00
АБ симоб устунининг 120/80 мм.идан юқори	бор	2,5	2,94	7,35
	йўқ	0,9		2,50
ААА	бор	4,8	5,53	26,28
	йўқ	0,9		4,75
Оператив туғруқ	бор	5,5	6,00	33,00
	йўқ	0,9		5,50
Буйрак касаллиги	бор	13,0	16,71	217,29
	йўқ	0,8		13,00
НЖЙМАК	бор	3,0	3,06	9,17
	йўқ	1,0		3,00
ЎРИ	бор	6,0	6,29	37,73
	йўқ	1,0		6,00
Муддатидан аввалги туғруқ	бор	8,3	43,11	356,60
	нет	0,2		8,27
Юрак-қон томир тизимидаги бузилишлар	бор	8,8	14,00	123,20
	йўқ	0,6		8,80

3-жадал.

Кичик диапазонлар кўрсаткичи ва ГГ асоратлари юзага келиш хавфи индивидуал прогноз гуруҳи

Кичик диапазонлар	Кичик диапазонлар кўрсаткичи	Хавф гуруҳи
ГГ ривожланишининг паст эҳтимоли	92,6-396,7	Ижобий прогноз
ГГ ривожланишининг ўрта эҳтимоли	396,8-700,7	Диккат
ГГ ривожланишининг юқори эҳтимоли	700,8-1308,9	Салбий прогноз

Диссертациянинг «Гестацион гипертензияси бўлган ўзбек этник гуруҳига мансуб ҳомиладорлар орасида номзод генлар полиморфизмининг молекуляр-генетик тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида ўтазилган тадқиқотлар натижалари келтирилади. CYP11B2 гени 344C>T ва AGT 704 полиморфизми молекуляр-генетик детекцияси учун материал сифатида геном ДНК препарати қўлланилди. Тадқиқот гуруҳларидаги CYP11B2 гени 344C>T полиморфизми аллеллари ва генотиپлари частотаси 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

СYP11B2 гени 344C>T полиморфизми аллеллари ва генотиپлари учраши даражасининг тақсимланиши

гуруҳ		Аллеллар частотаси				Генотиплар тақсимланиш частотаси					
		C		T		C/C		C/T		T/T	
		n	%	N	%	n	%	n	%	n	%
1	Ҳомиладорликда гипертензив бузилишлар (n=201)	246	61,2	156	38,8	79	39,3	88	43,8	34	16,9
2	Сурункали артериал гипертензия (n=41)	47	57,3	35	42,7	12	29,3	23	56,1	6	14,6
3	Гестацион гипертензия (n=110)	120	54,5	100	45,4	33	30,0	54	49,1	23	20,9
4	Оғир преэклампсия (n=50)	79	79,0	21	21,0	34	68,0	11	22,0	5	10,0
5	Назорат гуруҳи (n=110)	180	81,8	40	18,2	73	66,36	34	30,9	3	2,73

Гипертензив бузилишлари бўлган беморлар ҳамда назорат гуруҳларида CYP11B2 генининг -344C>T полиморфизми генотипларининг кузатилаётган частотаси (H_{obs}) Харди-Вайнберг қонунига мувофиқ кутилаётган (H_{exp}) частотага мувофиқ келди.

Асосий гуруҳда ва ҳомиладорликда гипертензив бузилишлари бўлган беморлар кичик гуруҳларида CYP11B2 генининг 344C>T полиморфизми бўйича аллеллар ва генотиплар учраш частотасида назорат гуруҳига нисбатан сезиларли равишда фарқ аниқланди ($P<0,05$). Функционал салбий T аллели гипертензив бузилиши бўлган ҳомиладор аёлларда (асосий гуруҳ) назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада устунлик қилди (мос равишда 38,8 га 18,2 фоиз), C аллели эса, аксинча, шартли соғлом аёллар гуруҳида беморларга нисбатан статистик жиҳатдан ишончли тарзда кўпроқ учради (мос равишда 81,8 га 61,2 фоиз). Ҳисобланган имкониятлар нисбати коэффициентига мувофиқ T аллели мавжуд бўлганда ҳомиладорларда гипертензив бузилишлар ривожланиши у мавжуд бўлмаган аёлларга нисбатан 2,8 мартага ортади. C/C генотипи шартли соғлом аёллар гуруҳида гипертензив бузилишлари бўлган ҳомиладорлар гуруҳига нисбатан юқори частотада аниқланди (мос равишда 66,4 га 29,3 фоиз). Бунда тадқиқ қилинган гуруҳларда статистик фарқлар энг юқори даражадаги кўрсаткичга чиқди ($\chi^2=20,8$; $P=0,006$; $OR=0,3$; 95% CI 0,2-0,5), бу эса мазкур генотипнинг ҳомиладорларда гипертензив бузилишлар ривожланишида нисбатан протектив самарасини исботлайди.

CYP11B2:-344C>T гени полиморфизмининг гестацион гипертензия ривожланиши хавфи билан ассоциацияланиши Т/Т монозигот генотип ва Т аллел билан ҳам кузатилди. Мазкур гуруҳда, функционал салбий Т аллел ва Т/Т генотип мавжуд бўлганда, касалликнинг ривожланиш хавфи назорат гуруҳига нисбатан мос равишда $\chi^2=37,7$; $P<0,001$ бўлганда 3,7 марта, $\chi^2=17,4$; $P=0,003$ бўлганда 9,4 марта ортади, бу кўрсаткич статистик жиҳатдан ишончлидир. Шундай бўлса-да, гетерозигот генотипнинг мавжудлиги ҳам хавф омили саналади, чунки унинг ортиши назорат гуруҳига нисбатан 2,9 марта кўп аниқланди ($\chi^2=8,1$; $P=0,004$). Шу вақтнинг ўзида преэклампсияда назорат гуруҳига нисбатан Т/Т салбий генотипи частотасининг юқорилаш тенденцияси аниқланди. Аммо маълумотларни статистик жиҳатдан ишлашда ишончли фарқ аниқланмади, бу эса преэклампсияга чалинган беморлар ўртасида мазкур генотипнинг учраш частотаси пастлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин ($\chi^2=3,8$, $RR=3.7$, $OR=3,9$, $P=0,05$, $95\% CI 0,9-17,3$).

Кейинги босқичда биз AGT гени T704C мутациясининг ҳомиладорликда сурункали артериал гипертензия, гестацион гипертензия ва преэклампсия мавжудлигидаги алоқасини аниқладик. AGT:704T>C-маркер ренин-ангиотензин тизим ишининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Гестацион гипертензияга чалинган аёлларда Т/Т монозигот генотип мазкур патология ривожланиш хавфи билан статистик жиҳатдан сезиларли равишда ассоциацияланган бўлиб, шу боис гипертензив бузилишлар ривожланиш хавфи мазкур салбий генотип мавжудлигида 5,7 баробарга ортади. С/Т гетерозигот генотип ҳам $\chi^2=4,9$, $P=0,03$ бўлганда назорат гуруҳига нисбатан сурункали артериал гипертензия ривожланиш хавфини 3,5 оширади. С/С генотипи бизнинг тадқиқотда мазкур гуруҳ аёлларида ўзининг протектив аҳамиятини намоён қилди (5-жадвал).

5-жадвал

Текширилган гуруҳларда AGT гени T704C (Met235Thr; rs699) полиморфизми аллел ва генотипларининг тақсимланиш даражаси

ГУРУҲЛАР		Аллеллар частотаси				Генотиплар тақсимланиш частотаси					
		С		Т		С/С		С/Т		Т/Т	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Ҳомиладорликда гипертензив бузилишлар (n=201)	297	73,9	105	26,1	116	57,7	65	32,3	20	10,0
2	Сурункали артериал гипертензия (n=41)	49	59,76	33	40,24	14	34,15	21	51,22	6	14,63
3	Гестацион гипертензия (n=110)	160	72,73	60	27,27	63	57,27	34	30,91	13	11,82
4	Преэклампсия (n=50)	88	88,0	12	12	39	78,0	10	20,0	1	2,0
5	Назорат гуруҳи (n=110)	172	78,2	48	21,8	71	64,5	30	27,3	9	8,2

Олинган натижалар мазкур полиморфизмнинг гестацион гипертензия ва преэклампсия ривожланишини прогноз қилиш учун мустақил маркер сифатидаги аҳамияти у қадар юқори бўлмаган даражада эканлигидан далолат беради.

Генотипларнинг Харди-Вайнберг қонунига мувофиқ (HWE) H_{obs} (кузатилаётган) ва H_{exp} (кутилаётган) тақсимланиш частотаси таҳлилида гестацион гипертензияси бўлган беморлар гуруҳида гомо ва гетерозигот генотипларнинг умумий частотасида HWE дан статистик жиҳатдан ишончли оғиш аниқланди ($\chi^2=4.7$; $P=0,03$). H_{obs} ва H_{exp} нинг бу оғишини гестацион гипертензияли ушбу гуруҳнинг истисносиз равишда мазкур патологиянинг мавжудлиги мезонлари асосида танлангани билан изохлаш мумкин. Аниқланган оғиш, эҳтимол, таҳлил этилаётган гуруҳда гомозигот генотипли вакиллар сонининг кўплиги ҳисобига гетерозигот етишмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Преэклампсияга чалинган беморлар ва назорат гуруҳларида мазкур полиморфизм бўйича генотипларнинг тақсимланиш частотаси HWE дан фарқланмади, яъни ҳисобланган кутилган қийматга мувофиқ бўлди ($\chi^2 < 3.8$; $P > 0.05$).

Тадқиқ этилаётган гестацион гипертензия ва преэклампсия мавжуд гуруҳларда H_{obs} ва H_{exp} гетерозиготлик частотаси ўртасидаги фарқ баҳоланганда биринчи гуруҳ беморларида мазкур маркер гетерозигот генотипининг жуда паст частотада ва танқислик индексига эга эканлиги аниқланди ($D < 0$). Демак, мазкур генотип мавжуд бўлганларда преэклампсия ривожланиш хавфи бўлмаслигини тахмин қилиш мумкин. Мазкур полиморф вариантнинг H_{obs} даражаси назорат гуруҳида ҳам H_{exp} дан паст бўлди ($D = -0.2$).

Шундай қилиб, С/Т гетерозиготи етишмаслиги иккала гуруҳда ҳам мос равишда 0,5 фоиз ва 2,0 фоиз ($D = -0.05$ и $D = -0.2$) даражасида бўлди. Тадқиқ этилаётган гестацион гипертензия ва преэклампсия мавжуд гуруҳларда H_{obs} нинг H_{exp} дан сезилмас даражадаги оғиши мазкур локус бўйича гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд эмаслигини кўрсатади.

AGT гени Т704С полиморфизмининг гестацион гипертензия ва преэклампсия ривожланишидаги мустақил улуши жуда кичик. Мазкур маркер бўйича генотиплар ва аллелларнинг тақсимланиш частотасида гестацион гипертензия ва преэклампсияга чалинган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида статистик жиҳатдан ишончли тафовут аниқланмади. Гестацион гипертензияга чалинган беморлар гуруҳида Т/Т салбий генотипининг частотаси назорат гуруҳига нисбатан сезиларли бўлмаган даражада ошгани кузатилди (мос равишда 11,8 га 6,7 фоиз). Мазкур генотип мавжуд бўлганда аёлларда гестацион гипертензия ривожланиши 1,9 мартадан зиёдга ошади. Аммо мазкур тафовут статистик жиҳатдан сезиларли бўлмай ($\chi^2=0.6$; $P=0.4$; $OR=1.9$; 95% CI 0.3995, 8.812), назорат гуруҳи сонининг катта эмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шу билан бир вақтда, гестацион гипертензияга чалинган беморларда преэклампсияга чалинган беморларга нисбатан Т салбий аллели ҳамда Т/Т гомозиготли генотипнинг частотаси ишончли равишда ошгани эътиборни жалб қилади. Гестацион гипертензияга чалинган беморлар гуруҳида Т аллели ва Т/Т генотипи частотаси 11,8 ва 27,8 фоизни ташкил этгани ҳолда преэклампсияга

чалинган беморлар гуруҳида кўрсаткичлар мос равишда 12,0 ва 2,0 фоизни ташкил қилди. AGT гени T704C (Met235Thr) полиморфизми учун нисбий хавф кўрсаткичи (OR) гестацион гипертензияда преэклампсияга нисбатан 6,5 баробардан зиёдга ошади ҳамда унинг хавф омили сифатидаги аҳамиятини кўрсатади ($\chi^2=4.1$; $P=0.04$; $OR=6.6$; 95% CI 0.835-51.66).


Тадқиқотимиз натижаларига кўра, гипертензив бузилиши мавжуд ўзбек миллатига мансуб ҳомиладор аёлларда -344C>T полиморфизмининг CYP11B2 альдостерон синтаза гени билан ассоциацияси аниқланди. T/T ва C/T генотиплари, T аллели гестацион гипертензия ва сурункали артериал гипертензия ривожланишида хавф омили бўлиб чиқди, C/C гомозиготли генотип протектив бўлди.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорларда гестацион гипертензия асоратлари ривожланиши хавф омилларини баҳолаш ва гестацион гипертензияли ҳомиладорларни олиб бориш алгоритми**» деб номланган бешинчи бобида ҳомиладорлар ўртасида гестацион гипертензия асоратлари ривожланиши хавф омилларини баҳолаш ва гестацион гипертензияси бўлган ҳомиладорларни олиб бориш маълумотлари келтирилади. Маълумотларни қиёслаш натижасида биз ҳомиладорларда гестацион гипертензия асоратлари ривожланишининг прогностик мезонларини ишлаб чиқдик. 6-жадвалда таҳлил маълумотлари келтирилган.

Тадқиқ қилинаётган комплекс омиллар таъсири натижасида гестацион гипертензия асоратлари ривожланиш хавфининг кичик диапазонлари энг катта ва энг кичик қийматлар асосида ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, аниқланган хавф омили қанчалик кўп бўлса, мазкур ҳомиладорда асоратларнинг ривожланиш эҳтимоли шунчалик кўпроқ бўлади (7-жадвал).

Олинган маълумотлар асосида биз томондан ишлаб чиқилган гестацион гипертензияси бўлган ҳомиладорларни олиб бориш алгоритми қуйида тавсия этилади (1-расм). Гестацион гипертензияси бўлган ҳомиладорларни олиб боришнинг биз таклиф этган чизмасини баҳолаш учун гестацион гипертензиясига чалинган 160 нафар ҳомиладорнинг маълумотлари таҳлил қилинди.



1-расм. Гестацион гипертензияси бўлган ҳомиладорларни олиб бориш алгоритми

Ҳомиладорларда гестацион гипертензия асоратлари ривожланиши хавфини комплекс баҳолаш учун прогностик матрица

Хавф омиллари	Омиллар градацияси	Меъёрий интеграл-лашган кўрсаткич	RR	X, интеграллашган кўрсаткич
Қандли диабет бўйича оғирлашган ирсий ўтиш	бор	2,6	4,24	11,10
	Йўқ	0,6		2,62
Биринчи ҳомиладорлик	Бор	2,5	3,54	8,85
	Йўқ	0,7		2,50
Тана оғирлиги индекси 26,6 дан юқори	Бор	4,2	4,96	20,81
	Йўқ	0,8		4,20
СҮР11В2:-344С>Т мутациясининг мавжудлиги (С/С генотиби)	Бор	5,5	11,20	62,13
	Йўқ	0,5		5,55
Ҳомиладорнинг онасида бўлган АГ	Бор	3,5	4,35	15,2
	Йўқ	0,8		3,5
Сурункали касалликлар	Бор	3,8	18,31	70,21
	Йўқ	0,2		3,83
СҮР11В2:-344С>Т мутациясининг мавжудлиги (Т/С ва Т/Т генотиплари)	Бор	15,0	17,21	258,16
	Йўқ	0,9		15,00
Варикоз касаллиги	Бор	4,8	5,53	26,28
	Йўқ	0,9		4,75
Буйрак касаллиги	Бор	5,5	6,00	33,00
	йўқ	0,9		5,50
Анамнезида НЖЙМАК	Бор	3,0	3,06	9,17
	Йўқ	1,0		3,00
Анамнезида муддатидан аввалги туғруқ	Бор	6,0	6,29	37,73
	Йўқ	1,0		6,00
ҲРКС	Бор	8,3	43,11	356,60
	Йўқ	0,2		8,27
Ҳомиладорликда камқонликнинг оғир даражаси	90-70 мл/г	8,8	14,00	123,20
	70 мл/нг дан паст	0,6		8,80

Барча ҳомиладорларда гестацион гипертензия асоратлари ривожланишининг прогностик таҳлили ўтказилди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида олинган натижалар асосида асоратларнинг ривожланиш хавфи даражасига кўра ҳомиладорлар 2 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳни гестацион гипертензия асоратининг паст хавфи бўлган 82 нафар ҳомиладор ташкил қилиб, улар ҳам ўз навбатида 2 кичик гуруҳга бўлинди — гестацион гипертензиянинг енгил шаклида ҳомиладорликни олиб бориш усули қўлланилган 1-А кичик гуруҳи (37 нафар ҳомиладор) ва

преэклампсиянинг энгил даражасида ҳомиладорликни олиб бориш стандартига мувофиқ даволанган 1-Б кичик гуруҳ (45 нафар ҳомиладор).


7-жадвал.

Ҳомиладорларда гестацион гипертензия асоратлари юзага келиш хавфини индивидуал прогнозининг кичик диапазонлар ва гуруҳлардаги қиймати

Кичик диапазон	Кичик диапазон кўрсаткичи	Хавф гуруҳи
Гестацион гипертензия асоратлари юзага келишининг паст эҳтимоли СҮР11В2:-344С>Т мутациясининг мавжудлиги (С/С генотиби)	73,5-252,9	Ижобий прогноз
Гестацион гипертензия асоратлари юзага келишининг юқори эҳтимоли СҮР11В2:-344С>Т мутациясининг мавжудлиги (Т/С ва Т/Т генотиблари)	253-432,5	Салбий прогноз


Гестацион гипертензия асоратларининг ривожланиш хавфи юқори бўлган 78 нафар ҳомиладордан ташкил топган 2-гуруҳ ҳам ўз навбатида 2 кичик гуруҳга бўлинди — гестацион гипертензиянинг оғир шаклида ҳомиладорликни олиб бориш усули қўлланилган 2-А кичик гуруҳи (33 нафар ҳомиладор) ва преэклампсиянинг оғир даражасида ҳомиладорликни олиб бориш стандартига мувофиқ даволанган 2-Б кичик гуруҳи (45 нафар ҳомиладор).

Преэклампсиянинг энгил даражасида ҳомиладорликни олиб бориш стандартига мувофиқ даволанган 1-Б кичик гуруҳдаги гестацион гипертензия асоратининг паст хавфи бўлган ҳомиладорларда гестацион гипертензия кучайиши ва преэклампсия ривожланиш частотаси 1-А кичик гуруҳидаги гестацион гипертензияга чалинган ҳомиладорларга нисбатан паст бўлиши кузатилди (2-расм)



2-расм. ГГ асоратлари ривожланиши паст хавфи бўлган ҳомиладорларни олиб бориш принципларига боғлиқ ҳолдаги ҳомиладорлик яқунлари

Муддатдан аввалги туғруқнинг ривожланиши ҳам 1-А кичик гуруҳида кўпроқ кузатилди (мос равишда 18,9 ва 15 фоиз). Ижобий яқун 1-Б кичик гуруҳида (73,3 фоиз) 1-А кичик гуруҳига нисбатан (70,3 фоиз) кўпроқ кузатилди, бироқ бу кўрсаткичларда ишончли тафовут мавжуд бўлмади (2-расм).



3-расм. ГГ асоратлари ривожланиши юқори хавфи бўлган ҳомиладорларни олиб бориш принципларига боғлиқ ҳолдаги ҳомиладорлик яқунлари

Оғир преэклампсия ривожланиши 2-А кичик гуруҳида 2-Б кичик гуруҳига нисбатан ишончли равишда кўп учради (мос равишда 58,4 га 42,2 фоиз; $p < 0,05$). Ҳомила ривожланиши кечикиши синдроми 2-А кичик гуруҳида 2-Б кичик гуруҳига нисбатан 2 марта кўп учраб (мос равишда 48,6 га 22,0 фоиз), статистик жиҳатдан ишончли характер касб этди ($p < 0,05$). Гестацион гипертензия асоратлари ривожланиши юқори хавфи бўлган ҳомиладорларнинг 66,0 фоизида муддатидан авваги туғруқ қайд қилинди, бироқ 2-Б кичик гуруҳида бу ҳолат 2 баравар кам кузатилиб, 31,0 фоизга 66,0 фоизни ташкил қилди ($p < 0,05$). Бачадон-ҳомила-йўлдош қон айланишининг бузилиши ривожланиши 1-А гуруҳида ҳам кузатилди ва 18,9 фоизни ташкил этди. Нормал жойлашган йўлдошнинг муддатдан аввал кўчиши ривожланиши ҳам фақат шу гуруҳда (8,1 фоиз; 3 нафар ҳомиладор) кузатилди. Ҳомиладорлиги анъанавий тарзда олиб борилган гестацион гипертензия асоратлари ривожланишнинг юқори хавфи бўлган гуруҳнинг фақат 22,6 фоизида ҳомиладорликнинг ижобий яқуни қайд қилинди. Ҳомиладорларни олиб боришнинг оғир преэклампсия+ магний терапия стандартига мувофиқ ҳомиладорлиги олиб борилган гуруҳда ижобий яқун 3 баробар кўп қайд этилди (68,0 фоиз).

Шундай қилиб, олинган натижалар гестацион гипертензияга чалинган ҳомиладорларда биз асосий гестацион ва перинатал асоратлар ривожланишининг статистик жиҳатдан ишончли бўлган аҳамиятли ҳамда

мустақил предикторларини аниқлаганимизни намоён қилади. Гестацион гипертензия асоратлари ривожланишининг паст хавфи бўлган ҳомиладорларни преэклампсиянинг енгил даражаси бўлган ҳомиладорларни олиб бориш стандартига мувофиқ, гестацион гипертензия асоратлари ривожланишининг юқори хавфи бўлган ҳомиладорларни преэклампсиянинг оғир даражаси бўлган ҳомиладорларни олиб бориш стандартига мувофиқ олиб бориш зарур.

ХУЛОСА

1. Гестацион гипертензия ривожланишининг хавф омиллари қуйидагилар саналади: ёшнинг 30 дан ўтганлиги, тана оғирлиги индексининг 24,9 дан юқорилиги, биринчи ҳомиладорлик, анамнезда қандли диабетнинг мавжудлиги, юрак-қон томир тизимидаги бузилишлар, сийдик чиқариш тизимидаги касалликлар, анамнезда нормал жойлашган йўлдошнинг муддатдан аввал кўчиши ва муддатдан аввалги туғруқнинг мавжудлиги, анамнезда преэклампсия мавжудлиги.

2. Альдостерон синтаза генининг (CYP11B2-344C>T) полиморфизми билан ассоциацияси аниқланди. Т/Т ва С/Т генотиплари, Т аллели гестацион гипертензия ва сурункали артериал гипертензия ривожланишида хавф омилли эканлиги, С/С гомозиготли генотип эса протектив бўлиши аниқланди.

3. Гестацион гипертензияга чалинган ҳомиладорларда асоратлар ривожланишининг хавф омиллари аниқланди: Ёши 35 дан юқорилик (RR=4,24); биринчи ҳомиладорлик (RR =3,54); тана оғирлиги индексининг 26,6 дан юқорилиги (RR =4,96); альдостерон синтаза гени мутацияси мавжудлиги (RR =11,20); ўтган ҳомиладорликларда АГ (RR =4,35) ва қандли диабетнинг (RR =17,21) учраганлиги; варикоз касаллиги (RR =18,31); буйрак касаллиги (RR =6,0); анамнезда НЖЙМАК мавжудлиги (RR=3,1), анамнезда муддатдан аввалги туғруқ мавжудлиги (RR =6,29); ХРКС 1-даражаси мавжудлиги (RR =43,1); ҳомиладорликда камқонлик оғир даражаси (RR =43,1).

4. Гестацион гипертензия ривожланиш хавфи бўлган гуруҳларни прогнозлаш ва ҳомиладорликни олиб бориш бўйича биз ишлаб чиққан алгоритмнинг қўлланилиши муддатдан аввалги туғруқлар частотаси ҳамда ХРКС ривожланишини 2 баробарга камайишига, шунингдек, ГГ кучайиши ҳамда ОПЭ ривожланиш частотаси пасайишига кўмак кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР АКУШЕРСТВА
И ГИНЕКОЛОГИИ**

АШУРОВА УМИДА АЛИШЕРОВНА

**КЛИНИКО-ГЕНЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ И
ВЕДЕНИЕ БЕРЕМЕННЫХ С ГЕСТАЦИОННОЙ ГИПЕРТЕНЗИЕЙ**

14.00.01 – Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Tib385.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре акушерства и гинекологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: **Нажмутдинова Дилбар Камариддиновна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна**
доктор медицинских наук, профессор

Гельдиева Маргарита Собировна
доктор биологических наук

Ведущая организация: **Ташкентский институт усовершенствования врачей**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 г. в ___ часов на заседании Научного совета 04/DSc.30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71–262–33–14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71–262–33–14.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2020 года).

А.В.Алимов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д. м. н., профессор

К.Н.Хайтов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д. м. н., профессор

Д.И.Ахмедова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д. м. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы осложнения, связанные с беременностью, включая гипертензивные расстройства, возросли во всех экономически развитых странах. Заболевание характеризуется тяжелым течением, снижением качества жизни и повышением случаев материнской смертности. По данным Всемирной организации здравоохранения, «...проблема репродуктивного здоровья находится в центре внимания ученых всего мира. Гестационная гипертензия, которая занимает 2-3 место в структуре материнской смертности, связана с сопутствующими осложнениями».¹ Гестационная гипертензия, индуцированная беременностью, также приводит к неонатальной смертности, то есть «...причина перинатальной смертности от 12-18% до 20-25% беременностей связана с гестационной гипертензией». ² Высокая смертность у женщин с гипертензивными расстройствами во время беременности, в свою очередь, требует разработки биомаркеров, прогнозирующих риск развития и алгоритмы ведения.

Во всем мире все больше внимания уделяется научным исследованиям, направленным на совершенствование методов профилактики, лечения и диагностирования риска осложнений при гипертензивных расстройствах во время беременности. Приоритетным направлением исследований является выявление молекулярно-генетических факторов происхождения и риска развития гестационной гипертензии в разных популяциях, ее связь с генотипами и фенотипическими вариантами аллелей генов-кандидатов, а также разработка алгоритмов заболевания. Ранняя диагностика риска развития гипертензивных расстройств, выявление аллелей и генотипы вариантов генов-кандидатов на основе молекулярных и генетических исследований, а также определение соответствующих профилактических мер, являются одними из наиболее острых проблем, стоящих перед работниками здравоохранения.

